



ХОРАЗМ МИСГАРЛИК САНЪАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи
давлат музейи Музей буюмлари ва фонд тўпламларини
қайд этиши ва рўйхатга олиши бўлими мудири*

Гафурова Камола Мирсалиевна

*Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи
давлат музейи Музей буюмлари ва фонд тўпламларини
қайд этиши ва рўйхатга олиши бўлими катта илмий ходими*

Абророва Гулчехра Эркиновна

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразм анъанавий мисгарлик санъатининг халқ ижтимоий ва маданий ҳаётидаги ўрни ҳамда мис буюмларнинг оддий турмуш эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келиши ҳақида маълумот бериб ўтилган. Шунингдек, ҳар бир буюмнинг шакли, ўзига хос маънолари, уларни ясаида қўлланилган техника ва технологиялар мақоладан ўрин олган.

Калит сўзлар: кандакори, баркаш, нондон, туфдон, сархуми, обдаста, қумгон, тунг, тунгча, селобча, дастийўй, чилим, нос қутилар, патнис.

Аннотация: В этой статье представлена информация о роли традиционной медной чеканки Хорезма в социальной и культурной жизни народа, а также о возникновении медных изделий в связи с потребностями повседневной жизни. В статье также описывается форма каждого изделия, его уникальные значения, техники и технологии, использованные при их создании.



Ключевые слова: кандакори, баркаш, хлебница, плевательница, сархуми, обдаста, кумган, тунг, тунгча, селобча, дастшуй, чилим, шкатулка для насвая, поднос.

Annotation: *This article provides information about the role of traditional Khorezm coppersmithing art in the social and cultural life of the people, as well as how copper items emerged in connection with everyday household needs. It also covers the shape and unique meanings of each item, as well as the techniques and technologies used in their production.*

Key words: *Engraving (on copper), barkash (large tray), bread box, spittoon, lid (for a cauldron or large vessel), wash basin, water jug, large water container, tuncha, selobcha (small water vessel), dastshuy (handwash), chilim (hookah), snuffbox (for nasvay), tray.*

Кандакорлик ўзбек халқ амалий санъатининг кўп асрлик тарихига эга бўлган тури саналади. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган мис кандакорлиги мактабларида яратиб келинаётган бронза, мис, жездан ясалган буюмларга бадий безак бериш анъаналари асрлар давомида сайқал топди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда металлга ишлов бериш санъатида ихтисослашув сақланиб қолинган. Кандакорлик форсча-“кандакори” сўзидан олинган бўлиб, кесма деган маънони билдиради. Мисгарлар ва кандакорлар учун асбоблар тўплами Ўзбекистоннинг барча ҳунармандчилик марказларда деярли бир хил бўлиб, уста кандакорлар турли ўткир пўлат тигли қалам, циркул паргор, болғача, силлиқлаш асбоблари ранда ва бошқа асбоблардан фойдаланиб келмоқдалар.

Ўзбекистоннинг анъанавий мисгарлик мактаблари ва марказлари XVIII асрнинг бошидан ҳамда XX асрнинг бошларида ўзбек хонликлари даврида шаклланди. Ўша даврларда мис буюмларини ишлаб чиқаришнинг асосий марказлари Бухоро, Хива, Қўқон, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент бўлган. Энг



бой безаклар билан безатилган ва шакллари нозик бўлган кўзалар, турли шаклдаги патнислар, бошқа маиший маҳсулотлар–шамдонлар, дастшўй-қўл ювиш идишлари, тамаки асбоблари ва бошқа маҳсулотлар ўртаҳол ва ўзига тўқ ҳашаматни севадиган аҳоли қатламлари учун мўлжалланган. Шу билан бирга, мисдан зарб қилинган маиший буюмларнинг мавжудлиги ёки кўплиги эгасининг ижтимоий мавқеи ва молиявий ҳолатини кўрсатадиган белги бўлган.

XIX аср охирлари XX аср бошларида ясалган буюмлар ўз кўринишлари, шакллари ҳамда турларида қўлланишлари бўйича ғоят ранг барангдир. Айниқса, чой дамлаш ва сув, сут, шарбат, ширинлик ва ҳўл мева сақлашга мўлжалланган турли туман нақшлар билан безатилган мис идишлар, туфдонлар, дастшўйлар, доира ва тўртбурчак баркашлар, нон иситиладиган нондонлар, саврилар, сархумилар ва чўмичлар расм бўлган. Мисдан зарб қилинган сув идишлар айрим ҳудудларда “обдаста” деб аталган бўлса, Хоразмда эса “қумғон” деб номланган. Хоразмда бундай идишларнинг тутқич шакли кўпинча тоза сувни ҳимоя қилиш учун афсонавий аждарҳо шаклида ясалган. Бу эса ўз навбатида мис кандакорлигида қимматбаҳо металл турларининг кўпайиши ва уларга аҳолининг маиший турмушида талаб эҳтиёжнинг ошиши, юртимизда қўшни давлатлар билан савдо-сотик муносабатлари, қолаверса, маҳаллий усталарнинг турли ҳудудлардаги усталари билан ўзаро тажриба, маҳорат алмашинувига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Мис кандакорлигининг энг кўҳна марказларидан бири Хива ҳисобланиб, у ердаги маҳаллий усталарнинг ясаган буюмларида шаклининг нафис ва пластик ечимга эгаллиги, безак мотивларининг бойлиги, зарбнинг чуқурлиги билан ажралиб туради. XIX аср охири-XX аср бошларида етук усталар Хива, Ҳонқа, Манғит, Кўҳна Урганч, Қўнғирот каби ҳудудларда ижод қилиб, металлга бадий ишлов бериш ва кандакорлик мактаблари



бунёдга келишида ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар. Даврлар ўтиши билан муайян бир ҳудуд миқёсида юқорида тилга олинган буюмларнинг баъзи турлари кенг ёйилса, айримлари ўз ўрнини йўқотган, янги шакл ва кўринишдаги буюмлар пайдо бўлиб, олдингилари кундалик турмушдан чиққан. Натижада буюмлар ва уларнинг турлари ҳамиша ўзгариб турган. XIX асрнинг сўнгги чорагида Россиядан юртимизга мис, алюмин, эмал, мелхиор сингари хом-ашёларнинг кириб келиши туфайли аҳолининг уларга бўлган талаби тобора ортиб, маҳаллий ишлаб чиқариш саноатида қолип ёрдамида кўп нусхада ишлаб чиқарилишига шароит яратган. Усталар мисгарлик буюмларни яратишда янги хом ашёлар, сунъий бўёқлар, дастгоҳларни қўллай бошлаганлар. Аммо вақт ўтган сайин тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқаришдаги тезлашуви туфали айрим буюмларда бадий безак бериш даражаси анча пасайиб, мис кандакорлигининг қийматини тушиб кетишига сабаб бўлди.

XX асрлар бошларида мисгарликда буюмни ясалишини ўзига хослиги, нақшлар юзаси ва заминини безашда қўлланиладиган усулларга кўра Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент ўзбек мис кандакорлиги мактаблари усталарининг ўзига хос бадий анъаналари вужудга келди, дейиш мумкин.

Хоразмнинг Хива шаҳрида кенг тарқалган ҳунармандчилик турлари ичида металлга ишлов бериш алоҳида ўрин тутади. Темир қазиш конлари Хива хонлиги ҳукмронлиги даврида оз бўлиб, маҳаллий аҳоли асосан кўрғошин, мис, темир ва чўянни Россияликлардан олганлар. Олтин ва кумуш –Россия, Эрон, Кўкон ва Бухородан келтирилган. Хива кандакорлари олтин, кумуш, мис, жез ва бошқа металллардан ҳар хил буюмлар ясаб, унга нақшлар ўйишган, қадама нақшлар билан зийнатлаганлар.¹ Усталар томонидан

¹ 42-бет. “Хива шаҳрида металлга ишлов бериш ҳунармандчилиги” мақоласи. Тарих фанлари номзоди Раҳмонова Ю., “Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси 4/2013”



тайёрланган бундай маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган. Хива хонлик марказига айланганидан кейин шаҳарда мис ўймакорлиги буюмлари ишлаб чиқариладиган устахоналар сони ортган. XVIII-XIX асрларда Хива Марказий Осиёда кандакорликнинг етакчи марказларидан бирига айланган. 1864-1865 йилларда шаҳарда уюшмаларга бирлашган 38 та мисгар ишлаган. Улар томонидан мис, қисман қумуш ва биринчидан Қуръондан оятлар келтирилган арабий ёзувлар билан безаб, жомлар, қумғон, тунг, тунгча, селобча, дастшўй, чилим, нос қутилар, патнис, мис қозон, чойнак ва бошқа буюмлар ишланган.² XIX-XX асрга ясалган Хива мис кандакорлигига оид буюмлар ҳозирда Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида сақланмоқда.

Хивада "қорин шакли семиз" сув идишлари "тунгча" деб аталган. Уларнинг айримларида қопқоқ ва тутқичлар мавжуд бўлган. Мисдан ясалган буюмларнинг маҳаллий хусусияти шундаки, идишлардан ташқари мисдан ясалган "кашкул" ҳам ишлатилган. Уларнинг резервуари баландроқ, баъзилари ҳатто қўйма (капи)га эга. Шунингдек, юзни ювиш учун мўлжалланган дастшўй идишлари Хоразмда "селобча" деб номланади. Ушбу идишларнинг резервуари³ баландроқ шаклдан иборат. Мисгарлик буюмлари ўзбек хонадонларида ганчли ўйма девор тоқчаларида декоратив безак сифатида намоишга қўйилган.

Буюмларга шакл ва нақш безагини солиш бўйича Хива, Хонқа, Манғит, Кўҳна Урганч, Қўнғиротнинг етук уста ҳунармандларининг темирга ишлов бериш ва мисгарлик буюмларининг заминзарборидаги нақш чекиш услублари бошқа ҳунармандчилик марказларидан ажралиб туради. XIX -XX асрларда яратилган мис кандакорлик буюмларида кўпинча (медалён) мадохил

² 43-бет. "Хива шаҳрида металлга ишлов бериш ҳунармандчилиги" мақоласи. Тарих фанлари номзоди Раҳмонова Ю., "Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси 4/2013"

³ Резервуар- бу суяқ моддани узоқ муддат сақлаш учун ишлатиладиган катта ҳажмли ёпилган идишдир



кўринишидаги “турунж” ва “савр” нақшлари учрайди.⁴ Мис маҳсулотларининг юзасини ишлов беришнинг етакчи техникаси чуқур гравировка - "кандакоридир", камроқ чуқурликдаги тоза гравировка - "чизма", ўзбек усталари томонидан кесма зарб - "шабака" ишлатилади, камдан-кам ҳолларда эса тошлар ёки симлар билан инкрустация техникаси қўлланилган, кандакорлар нақш заминини қора ёки қизил лак қилиб бўяганлар. “Айланма ислимий”, “ислимий”, “мураккаб ислимий”, “мадохил”, “мураккаб айланма ислимий”, “ҳошия ислимий”, “бутов ислимий”, “турунж ислимий” каби нақшлар хоразмлик кандакор усталарнинг энг сеvimли нақшларидан бири ҳисобланади.

Хоразмнинг кандакорлик мактабига хос буюмлардаги нақшнинг энг қадимги тури ҳисобланган “мадохил”-уч баргнинг рамзий маъноси – “дунёнинг абадийлиги, яхши фикр, яхши сўз, яхши амал деган маънони англатади. “ҳошия ислимий”, “бутов ислимий”, “турунж ислимий” бир-бирига чирмашиб кетувчи чексиз нақш тури ҳисобланиб, бойлик ва фаровонлик рамзини англатади. Геометрик “гирих” нақши форс сўзидан олинган бўлиб, “чигал, тугун” деган маъноларни билдиради. XX аср бошларида Хива кандакорлиги мактаби услубига хос буюмларда шу сингари анъанавий нақшларни йирик кўринишда чекиб, шуҳрат қозонган Муҳаммадпаноҳ, Худайберган Мухркан Муҳаммадпаноҳ ўғли, Собиржон Раҳмонберган ўғли, Юсуф уста, Каримберган Раҳмонберган ўғли машҳур усталарнинг ишлари диққатга сазовор бўлган. 1967 йилда Хива шаҳрида бадиий буюмларни ишлаб чиқариш мактаби ташкил қилинган, ёш усталарни тарбиялаб, вояга етказиб, ўзбек халқ ҳунармандчилигини қайта тиклаш, халқ амалий санъатининг моддий ёдгорликларини сақлаб қолиш ҳамда миллий маҳсулотларни эсдалик совға сифатида тайёрлаш кенг йўлга қўйилди. Ушбу

⁴ “Хоразм кандакорлик мактаби”. Г.Орифжонова. 14-б. “Мозийдан садо” журнали №4 (80) 2018 й.



жараёнлар Хоразм мис кандакорлиги мактабининг ривожланишида ўз аксини топди.

Хива мис кандакорлиги мактаби ўзининг бадиий услуби, услубий бойлиги ва нақшлар хилма-хиллиги билан ўзбек амалий санъатида алоҳида ўрин тутди. Тарихий тараққиёт давомида бу ҳунар маҳаллий анъаналар, ташқи таъсирлар ва технологик янгиликлар асосида шаклланиб, миллий ҳунармандчилик меросининг муҳим қисмига айланган. Ҳозирги кунда Хива кандакорлик мактаби нафақат тарихий, балки илмий ва маданий жихатдан ҳам ўрганишга лойиқ юксак санъат мактаби сифатида аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. С.Булатов “Ўзбек ҳалқ амалий безаги”. Тошкент.1991 йил.
2. Т.Абдуллаев, Д.Фахретдинова, А.Хакимов “Маъданга битилган кўшиқ”.1986 йил. Тошкент.
3. “Хоразм кандакорлик мактаби”. Г.Орифжонова. 14-б. “Мозийдан садо” журнали №4 (80) 2018 й.
4. “Хива шаҳрида металлга ишлов бериш ҳунармандчилиги” мақоласи. Тарих фанлари номзоди Ю.Рахмонова, “Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси 4/2013”